

# I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 21550 тани ташкил қилиб, шундан 20915 таси ёки 97,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 4918 та (22,8 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2766 та (12,8 фоизи), қурилиш 2662 та (12,4 фоизи), саноат 2560 та (11,9 фоизи), ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 888 та (4,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

## Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади (2019 йил 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	Яқунга нисбатан фоизда	бирлик	Яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>21550</b>	<b>100,0</b>	<b>20915</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2766	12,8	2663	12,7
Саноат	2560	11,9	2497	11,9
Қурилиш	2662	12,4	2581	12,3
Савдо	4918	22,8	4756	22,7
ташиш ва сақлаш	781	3,6	761	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	888	4,1	861	4,1
ахборот ва алоқа	252	1,2	237	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	498	2,3	494	2,4
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6225	28,9	6065	29,2

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 85,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 34,7 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 50,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади**  
(умумий сонига нисбатан фоизда)



2018 йил январь-декабрда жами 2991 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2365 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 22,0 фоиз), Чирокчи (9,5 фоиз), Китоб (6,4 фоиз), Қарши (7,4 фоиз), Косон (7,1 фоиз), Қамаш (6,0 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 16,8 фоизи савдода, 16,5 фоизи кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ва 15,4 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 629 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 117 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 18,6 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик  
шакллари бўйича тақсимлаш**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	<i>Жами, бирлик</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>	<i>шундан хусусий</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>21150</b>	<b>3152</b>	<b>18398</b>	<b>7482</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Қарши ш	4695	411	4284	1082
Шаҳрисабз ш	1364	166	1198	629
<i>туманлар:</i>				
Ғузор	975	190	785	414
Деҳқонобод	1064	173	891	680
Қамаши	1420	206	1214	582
Қарши	1622	188	1434	580
Косон	1811	254	1557	468
Китоб	1493	243	1250	671
Миришкор	656	140	516	196
Муборак	819	106	713	168
Нишон	769	131	638	259
Касби	754	168	586	216
Чироқчи	1718	325	1393	606
Шаҳрисабз	937	210	727	325
Яккабоғ	1453	241	1212	606

**Корхона ва ташкилотлар сони**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


	2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	туғатилди
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>21550</b>	<b>2991</b>	<b>629</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Қарши ш	4695	657	165
Шаҳрисабз ш	1364	168	25
<i>туманлар:</i>			
Ғузор	975	120	19
Деҳқонобод	1064	114	49
Қамаши	1420	179	33
Қарши	1622	222	16
Косон	1811	213	50
Китоб	1493	191	50
Миришкор	656	108	21
Муборак	819	116	45
Нишон	769	134	11
Касби	754	112	44
Чироқчи	1718	283	44
Шаҳрисабз	937	156	38
Яккабоғ	1453	218	19

2018 йилнинг январь-декабрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 29 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 тага кўпайган ёки 38,3 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида– 5 та, Хитой Халқ Республикаси– 5 та, Корея Республикаси– 4 та, Афғонистон Ислом Республикаси – 4 та, Бирлашган Араб Амирлиги – 3 та, АҚШ – 2 та ва Эрон Ислом Республикаси – 2 та корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йилда Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари кўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони  
(2018 йил январь-декабрь ҳолатида)**


(бирликда)



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.*

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотлани 2019 йил 1 январь ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 51 та (60,0%), савдода 12 та (14,1%) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 9 та (10,6%) бошқа фаолият турларида эса 3 та (3,5%) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқада 1 та (1,2%), қурилишда 2 та (2,4%) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3 та (3,5%) ташкил қилган. Шундан кўришиб турибдики фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек энг кам улуши эса ахборот ва алоқада ва қурилишда фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**




## Оилавий корхоналар сони

Қашқадарё вилояти бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 691 тани ташкил этиб, улардан 670 таси ёки 97,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртача 29,4 % га ошган.

### Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар


бирликда



■ рўйхатдан ўтганлар ■ фаолият кўрсатаётган ■ янги ташкил этилган

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 29,4% ёки 197 таси саноат, 19,4% ёки 130 таси қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги, 18,8 % ёки 126 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 14,9% ёки 100 таси савдо, 2,8 % ёки 19 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 1,6 % ёки 11 таси қурилиш, 1,5% ёки 10 таси ташиш ва сақлаш, 0,3% ёки 2 таси ахборот ва алоқа ҳамда 11,2% ёки 75 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни  
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар иқтисодий фаолият турлари бўйича юқори уушга эга бўлганлари Саноат (жами улушга нисбатан 29,5 %), Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (19,4 %), Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (18,8 %), ҳамда Савдо (14,9 %), соҳаларига тўғри келади.




## Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, (бирликда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 16218 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 4730 таси (29,2%) – савдода, 2629 таси (16,2%) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2557 таси (15,8%) - қурилишда, 2444 таси (15,1%) - саноатда, 847 таси (5,2%) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 744 таси (4,6%) – ташиш ва сақлашда, 363 таси (2,2%) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 232 таси (1,4%) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1672 таси (10,3%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳасида тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 22,7% савдо соҳасида, 12,7% қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 12,3% қурилиш соҳасида, 11,9% саноат соҳасида, 4,1% яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3,6% юк ташиш ва сақлаш, 2,4% соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,1% ахборот ва алоқа, ва 29,2% бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.